

СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА АЎФ ИНГИБИТОРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Жуманазаров С.Б.

Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14162327>

Сўнги пайтларда СБК континуум доирасида юрак етишмовчилиги сурункали буйрак касаллиги билан биргаликда кечишига катта эътибор берилмоқда. Юрак-қон томир асоратлари ривожланишида буйраклар муҳим роль ўйнайди. Касалликни башорат қилиш ва даволаш динамикасида омилларни ўрганиш муҳим ҳисобланади. Қўйида СБК ривожланишининг асосий патофизиологик механизмлари, диагностик маркерлари ҳамда даволашнинг жаҳон тажрибаларига таянган янгича ёндашув усуллари келтириб ўтилди.

Тадқиқот мақсади: сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда периндоприл препаратининг клиник самарадорлигини ўрганиш.

Материаллар ва тадқиқот усуллари: Ушбу мақолада 46 СБК билан касалланган беморларни ўрганиш натижалари келтирилган. Беморларнинг ўртача ёши $54,6 \pm 12,8$ ёшни ташкил етди. Намуналар Ўзбекистонда туғилган ва бир-бири билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ўзбек миллатига мансуб шахсларни ўз ичига олган. Клиник ва диагностик текширув Тошкент тиббиёт академияси 2-сон факультет ва госпитал терапия, нефрология ва гемодиализ кафедраси ходимлари томонидан Тошкент вилояти ихтисослашган соматика шифохонаси терапия бўлимида амалга оширилди. Беморларга анъанавий даво билан биргаликда периндоприл препарати қўшиб берилди. Натижалар бемор келган куни ва 1 ойдан сўнг солиштириб ўрганилди. Беморларда натижалар қўйидагича бўлди.

Даволашгача: АҚБ- $149 \pm 12,1/94 \pm 3,5$ мм.сим.уст.; ЗХ (ФВ) – $53,2 \pm 2,4\%$; мочевина – $9,2 \pm 2,4$ ммоль/л; креатинин – $162,5 \pm 12,8$ мкмоль/л; КФТ – $44,5 \pm 6,3$ мл/мин/1.73м².

Даволашдан сўнг: АҚБ- $130 \pm 7,2/82 \pm 3,2$ мм.сим.уст.; ЗХ (ФВ) – $55,2 \pm 1,1\%$; мочевина – $8,3 \pm 1,5$ ммоль/л; креатинин – $131,3 \pm 11,5$ мкмоль/л; КФТ – $52,5 \pm 7,2$ мл/мин/1.73м².

Хулоса: Шундай қилиб, СБК билан оғриган беморларда периндоприлни қўллаш давомида қон босимининг меъёрий кўрсаткичларга тушишига, зарб ҳажмининг ишончли даражада кўтарилишига, мочевина ва креатинин даражасининг сезиларли даражада пасайишига олиб келди ва шу билан сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда буйраклар функционал ҳолатини яхшиланишига олиб келди. Бизнинг тадқиқотимиз тўғрилигини тасдиқлаш учун беморларнинг катта гуруҳи билан узоқроқ тадқиқотлар талаб этилади.

References:

1. Жуманазаров, С. Б., Жаббаров, А. А., Мирзаева, Г. П., Эшонов, Ш. Н., & Бобокулов, М. Б. (2021). Прогностическое Значение Клинико-Патогенетических Особностей Развития Хронической Болезни Почек Вследствие Гломерулярных Заболеваний. Central Asian Journal of Medical and Natural Science, 2(2), 175-184.
2. Zhumanazarov, S. B., & Jabbarov, A. A. (2021, March). The role of genetic factors in the development of chronic glomerulonephritis. In E-Conference Globe (pp. 150-154).

3. Ойдиной, Р., Озимбой, Ж., Шоира, Қ., Султанбой, Ж., & Аваз, Р. (2022). Сурункали буйрак касаллиги II-III босқичларидаги беморларда гипоазотемик даволаш самарадорлигини ўрганиш.
4. Рахматов, А., Жаббаров, О., Қодирова, Ш., Жуманазаров, С., Мирзаева, Г., & Тожибоев, М. С. (2022). Подаграда буйраклар зарарланишининг клиник ва генетик хусусиятлари.
5. Исломова, М., Жаббаров, О., Умарова, З., & Жуманазаров, С. (2022). Сурункали буйрак касалликларини даволашда антиоксидант препаратлардан фойдаланиш.
6. Турсунова, Л. Д., Жаббаров, О. О., Мирзаева, Г. П., Жуманазаров, С. Б., & Хужаниязова, Н. К. (2022). Кардиоренал синдромда ангиотензин-неприлизин рецепторлари ингибиторларининг буйрак функционал холатига таъсири.
7. Мирзаева, Ш. Х., Жаббаров, О. О., Максудова, М. Х., Турсунова, Л. Д., & Жуманазаров, С. Б. (2022). Сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда кардиоренал синдромни даволаш.
8. Низамова, Н. Г., Максудова, М. Х., & Жуманазаров, С. Б. (2021). Изучение зависимости приобретенных пороков сердца от степени поражения клапана у пациентов с хронической сердечной недостаточностью. *Моя профессиональная карьера*, 1(24), 7-19.
9. Косимбаев, С., Аляви, А., Турсунова, Л., & Жуманазаров, С. (2021). Агрегатное состояние крови и коагуляционный гемостаз у больных с ишемический болезнью сердца перенесших COVID-19.
10. Аляви, А. Л., Турсунова, Л. Д., Бувамухамедова, Н. Т., & Жуманазаров, С. Б. (2021). Течение сердечно-сосудистых заболеваний у больных COVID-19. *Студенческий вестник*, (17-4), 38-41.
11. Nazarova, N. O. K., Jabbarov, A. A., Madazimova, D. H., Mirzayeva, G. P., & Buvamuhamedova, N. T. (2021). Decreased gene $tgf-\beta 1$ are associated with renal damage in female patients with lyupus nephritis. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(11), 1200-1203.